БОБУРИЙЛАР ҲИНДИСТОНИ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЎРТАСИДАГИ ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАР

Ғ. САТИМОВ

В статье освещается дипломатические отношения между Средней Азией и Индией при правлении бабуридов.

This article depicts the history of diplomatic relations between Central Asia and India.

Ҳар қандай мамлакатнинг қудрати унинг нафақат моддий ва маънавий бойликлари билан, балки унинг халқаро алоқалари билан ҳам ўлчанади. Халқаро алоқалар тушунчаси эса сиёсий, иқтисодий, маданий ва ижтимоий соҳаларни қамраб олади ва бу соҳаларнинг ҳар бири мамлакат тараққиёти ва унинг гуллаб яшнашида, шунингдек, бу мамалакатнинг халқаро майдонда эгаллаган мавқеи борасида муҳим аҳамият касб этади. Халқаро ҳамжамият худди тирик организм сингари муттасил тараққиётда, ўзгаришда ва илгари интилишда бўлади ва ўзини ҳурмат қиладиган ҳар қандай мамлакат ана шу тараққиёт йўлида шахдам қадамлар билан илгари интилиши, хорижий мамлакатлар билан, шунингдек, халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик қилиш йўлидан бориши замон тақозосилир. Жаҳон ҳамжамиятидан ажралиб қолиш муқаррар тарзда инқироз ва қолоқликка олиб келишини унутмаслик зарур. Дипломатия тарихига бир назар ташланса, мамлакатлар тарихида давлат ва миллат манфаатлари учун қай тарзда курашиш лозимлиги ҳақида ўрнак олса арзийдиган сабоқ олиш мумкин.

Бобурийлар Ҳиндистони ва Марказий Осиё ўртасидаги ўзаро алоқалар Хуросонни қўлга киритиш учун эронийлар ва турк султонига қарши кучларни бирлаштириш зарурати асосида пайдо бўлди. Шиа мазҳабига мансуб сафавийларнинг ҳажга сафарга чиққан суннийлар карвонини талаши ва уларга зиён етказишлари ўртадаги зиддиятнинг кучайишига сабаб бўлган эди. Лекин бобурий подшоҳлар, хусусан, Бобур ва Хумоюн мусулмонларни шиа ва сунний маҳзабларга ажратилишларига деярли бефарқ эдилар. Шу боис бўлса керак, бу ҳукмдорлар ўзлари сунний мазҳабга мансуб бўла туриб ўз сиёсий мақсадларининг рўёбга чиқишида шиаларнинг берган ёрдамларидан сескан-мадилар ва ўз яқинларининг ҳам шиа мазҳаби таомилларига риоя қилишларига монеълик қилмадилар [4].

Акбаршоҳ ҳукмронлиги даврида шиаларнинг Ҳиндистон мусулмонлари устидаги таъсири барҳам топган бўлса ҳам, Акбаршоҳ Мовароуннаҳр ҳукмдори Абдуллахоннинг ўз кучларини бирлаштириб эронийлар устига юриш ҳақидаги таклифини моҳирлик билан рад қилган эди. Ўшанда у сафавийларнинг Пайғамбар авлодига мансуб қавмлардан эканига ва, албатта, унинг отаси ва бобосига зарур пайтда муҳим ёрдам кўрсатишганига ишора қилган эди.

1570 йилда Бухоро хони Абдуллахоннинг ўз

қариндошларидан Балхни, Акбаршоҳнинг ўз қавми вакилларидан Бадахшонни тортиб олиши билан бу иккала қудратли мамлакатларнинг ҳудудлари чегарадош бўлиб, уларда қўшничилик муносабатларини яхшилаш орқали ғайри (шиа) маҳзабдаги эроний сафавийларга қарши сиёсий иттифоқ тузишга зарурат туғилди. Шу боис иккала мамлакат ҳукмдорлари бир-бирига элчилар юбора бошладилар. 1572-73, 1577-78 ва 1586 йилларда Абдуллахон Ҳиндистонга махсус совға-саломлар билан элчилар юборди. XVIII аср бошларида Марказий Осиёда ёзилган «Силсилот ал-салотин»* асарида таъкидланишича, 1585-86 ва 1591-92 йилларда Акбаршоҳ томонидан ўзбек хони Абдуллахон ҳузурига, Жаҳонгиршоҳ ҳукмронлиги даврида 1611 йилда ўзбек хони Имомқулихон ҳузурига, Шоҳ Жаҳон ҳукмдорлиги даврида ҳам 1628 йилда Имомқулихон ҳузурига ва 1643 йилда Носир Муҳаммадхон ҳузурига, 1645 ва 1646 йиларда Носир Муҳаммад томонидан Шоҳ Жаҳон саройига, 1671 йилда Аврангзеб Оламгир томонидан Субхонқулихон саройига, 1687 йили эса Субхонқулихон томонидан Аврангзеб саройига махсус элчилар карвони жўнатилгани баён этилади.

1626 йилда Имомқулихон Жаҳонгиршоҳга ҳарбий ёрдам сўраб элчи юборгани маълум, лекин бобурий шаҳзоданинг тасодифий ўлими элчи Абдулраҳим Жўйборийнинг шоҳ билан музокараларини охирига етказишга имкон бермаган эди.

Шоҳ Жаҳон ўз навбатида Марказий Осиёга юришни режалаштирганда бу ишга эронийларни аралаштиришни истамаган эди. 1684 йилда, ниҳоят, Аврангзеб Бухорога махсус элчи юбориб шиалар устига биргаликда ҳарбий юриш уюштиришни таклиф қилган эди, бироқ манбаларнинг хабар беришича, бу юришдан мақсад Қандаҳорни эронийлардан тортиб олиш бўлган.

Бобурий подшоҳлар ҳам, ўзбек хонлари ҳам элчиларни танлашга алоҳида эътибор берар эдилар. Элчилар юқори мартабали, имон-эътиқодли, ҳукмдор назарида юқори мартабали аслзодалардан танланар эди. Акс ҳолда ёмон хабар келтирган осий бандани ҳукмдор жаҳл устида ўлимга маҳкум этиши эҳтимолдан ҳоли эмас эди. Ўзбек хонлари элчиларни Бухорода юксак мартаба ва ҳурмат эътиборга эга жўйборийлар сулоласига мансуб Нақшбандия тариқатининг обрўли шайхларидан танлар эдилар.

Бобурий подшоҳлар эса элчиларни келиб чиқиши Мовароуннаҳрлик бўлган юқори мартабали аслзода мансабдорлар орасидан танлардилар. Масалан, Мир Барака исмли таниқли мансабдор Жаҳонгиршоҳ даврида ҳам, Шоҳ Жаҳон даврида ҳам ўз она юрти Бухорога бир неча бор элчи сифатида юборилган. Шоҳ Жаҳон Бухоро хони Носир Муҳаммадхоннинг элчиси сифатида Ҳиндистонга келиб, шу ерда ўрнашиб қолган Ваққосхожи исмли юқори мартабали кишини Жаҳонгир даврида Ҳиндистонга келиб ўрнашиб қолган Тарбиятхон Фахриддин Аҳмад Бахши исмли юқори мартабали киши билан ҳамроҳликда 1633 йилда Бухорога элчи қилиб юборган эди [3].

Элчиларнинг бажарадиган асосий вазифаси муҳим давлат аҳамиятига молик бўлган хат-хабарлар, мамлакатдаги сиёсий вазият ва аҳолининг кайфияти ҳақидаги маълумотлар, бобурий шаҳзодаларнинг Мовароуннаҳрдаги таниқли дин арбоблари, қариндош-уруғлари ва ёр-биродарларига юборилган совға-саломларни тайинланган манзилга етказиб бериш, шунингдек, камёб моллардан харид қилиб келишдан иборат эди. Масалан, Абул Фотих Жилонийнинг Ҳиндистондан Мовароуннаҳрга кетаётган элчи Ҳаким Хумомга Султон Ҳусайн Бойқаронинг каптар панжасига жойлаштирилган миниатюра шаклида ишланган жажжи китобидан икки нусха олиб, бирини карвон билан жўнатиш ва иккинчисини шахсан ўзи олиб келиш ҳақида топшириқ бериши; Бухоро хони Абдулазизхон Нақшбандийнинг Мовароуннаҳрнинг энг обрўли дин арбобларидан бўлмиш Хўжа Калон Жўйборийнинг икки ўғли – Тожиддин Ҳасан ва Абдулраҳимларга хат ёзиб Жаҳонгирнинг тошбақа косаси суягидан тайёрланган дандон сопли ҳанжарини нима қилиб бўлса ҳам олиб келишни илтимос қилиши, ўз навбатида, Тожиддиннинг Жаҳонгир хазинсидаги энг ноёб намуналардан бирини сотиб олиб унга жўнатиши; Жаҳонгирнинг элчиси Мир Баракага барча воситаларни ишга солиб олачипор рангли балиқ тишини Мовароуннаҳрдан топиб олиб келиш ҳақида буйруқ берилиши ана шулар жумласидандир [1].

Давлат арбоблари ва сарой аёнлари ўртасидаги шахсий алоқалар ҳам мамлакатлар ўртасидаги сиёсий алоқаларнинг яхшиланишига ижобий ҳисса қўшиши аниқ.

Аврангзеб ҳукмронлиги даврида ҳам Марказий Осиёдан бориб бобурийшоҳлар хизматига кирган таниқли кишилар Мовароуннаҳр ва Балхга жўнатиладиган элчилар таркибида масъул вазифаларга тайинланар эди. Масалан, 1687 йилда Аврангзеб томонидан Балхга Субхон-

* Бу китоб “Таворихи Бадиа” номи билан ҳам ўқувчилар оммасига танилган.

қулихон ҳузурига юборилган элчилар орасида Ҳиндистонга келиб ўрнашишдан аввал Субхонқулихон саройида хизматда бўлган Мулла Ниёз Қошғарий исмли киши бўлиб, у элчи Забардастхон карвонида махсус лавозимга тайинланган эди.

Ўша даврларда Марказий Осиёдан кўплаб навкарлар ва оддий хизматчиларнинг Ҳиндистонга оқиб келиши ҳам бу икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг янада яқинлашувига бир ижобий туртки бўлган бўлиши ҳам мумкин. Бобурийлар армиясида хизмат қиладиган навкарлар ва сарбозларнинг каттагина қисми аввалбошданоқ нафақат чиғатой ўзбекларидан, балки даштий ўзбеклардан ва ҳатто шайбонийлар сулоласи вакилларидан бўлмиш Марказий Осиёлик ҳарбий мансабдорлардан ташкил топган эди. Хони замон лавозимида ишлаган Байрамхон, Алиқулихон номи билан танилган кишилар, Машҳад ҳокими лавозимда ишлаган ва кейинчалик Ҳиндистонга кетган Алиқулихоннинг укаси Баходирхон Шайбоний кабилар шулар жумласидандир. Ҳиндистонда турган пайтида Баҳодирхон акасининг Акбаршоҳга қарши уюштирган фитнасига бош қўшгани учун Акбарнинг одамлари томонидан қўлга олиниб, қатл этилган. Уларнинг тоғаси Иброҳимхон Шайбоний эса Хумоюн ва Акбар ҳукмронлиги даврида эътиборли лавозимларда хизмат қилган.

Даштий ўзбеклар билан чиғатой ўзбеклари орасида сезиларли рақобат бўлишига қарамасдан, Ҳиндистон ҳукмдорлари бу ерга келган даштий ўзбекларни ҳам қобилият ва садоқатига кўра юқори мартабаларга тавсия қилар эдилар. Ана шундай даштий ўзбеклар вакили бўлмиш Искандарбекни Акбар Деҳлида кўтарилган исённи бостириш учун ўз вакили сифатида юборган эди. Марказий Осиёдан Ҳиндистонга келиб қолган Абдуллахон исмли даштий ўзбекни эса Акбаршоҳ юқорида зикр этилган Алиқулихонни ўзбошимчаликлари учун жазолаш мақсадида унинг Лакновдаги мол-мулкини мусодара қилиш учун юборган эди. Абулфазл Алломийнинг гувоҳлик беришича [6], бобурий ҳукмдорлар ўз хизматидаги ўзбекларнинг садоқати ва кўрсатган жасоратлари хизматлари муносиб тақдирланар ва хатто қўшиққа солиб куйланар эди.

Кўриниб турибдики, Марказий Осиёдан Ҳиндистонга кўчиб келган хизматчиларга садоқатли хизмати ва ўз касби бўйича эгаллаган маҳоратига қараб мусофирчиликдаги ҳаётларини муносиб тарзда ташкил этиб олишлари учун барча шарт-шароит яратиб берилган эди.

Адабиётлар:

1.Richard Foltz. *Mughal India and Central Asia*. (Бобурийлар Ҳиндистони ва Марказий Осиё) Oxford University Press, Karachi,1998.

2.U.N. Day. *The Mughal Government*. (Бобурийлар салтанати ҳукумати) New Delhi, 1994.

3.S.M. Edwardes, H.L.O. Garret. *Mughal Rule in India. (*Ҳиндистондаги бобурийлар ҳокимияти) Surjeet Publications, Delhi, 1996.

4.R.T. Tripati. *Some Aspects of Muslim Administration.* (Мусулмон ҳукмдорлари маъмуриятининг айрим жиҳатлари*)* The Indian University Press, Allahabad. 1989.

5.Ishtiaq Husain Qureshi. *Administration of the Mughal Empire.* (Бобурийлар салтанати маъмурияти*)* Atlantic Publishers & Distributors,New Delhi, 1990.

6. The Akbarnama of Abu-l-Fazl. Translated from Persion by H. Beveridge. Vol. I-II.Delhi, First published in 1902-1939, reprinted 1993.

Андижон давлат университети,
2012 йил 2 мартда қабул қилинган